



ҚОВУН КОЛЛЕКЦИЯ НАВ НАМУНАЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ

Садуллаев Санжарбек Мадиярович

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори,
доцент. Мева-сабзавотчилик кафедраси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14514179>

Аннататсия: Қовуннинг ўртапишар ва кечпишар нав намуналарининг турли муддатларда етиштиришга мос, ҳосилдор ва истиқболли янги навларини яратиш усуллари ўрганиш.

Калит сўзи: Қовун навлари, барг, оталик ва оналик гуллар, поя, фенологик кузатув;

Қовун генофондини сақлаш ва экспортбоп қовун навларини ажратиш мақсадида Хоразм воҳасининг маҳаллий 125 та та қовун нав намуналари ўрганилди. Бунда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти генофондида сақланаётган, 2016 йили экиб уруғлари олинган қовун нав намуналари коллекцияси уруғларидан фойдаланилди. Тадқиқотлар 2017-2022 йиллар давомида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий тажриба станциясига ҳудудида олиб борилди. Қовун коллекцияси нав намуналари уруғлари 2017-2022 йиллар давомида ерга май ойининг биринчи ўн кунлигида, умумий майдони 1,5 га майдонига экилди. Қабул қилинган агротехнология асосида, тажриба услубияти ва қайтариқлари бўйича тадқиқот олиб борилди.

Тажриба намуналарида фенологик кузатувлар шуни кўрсатдики, қовун нав намуналари уруғларнинг 10 ва 75 фоизга униб чиқиши бўйича навлараро бир-биридан кескин фарқланиш кузатилмади. Уруғларни 10 фоизга униб чиқиши навлараро 12-13 кунда кузатилган бўлса, 75 фоизга униб чиқиши эса 15-16 чи кунда намоён бўлди (1-жадвал, 1-иловага қаранг).

Ўрганилган қовун навлари ичида Замча гурвак, Замча (катта хомлала) ва Хандалак навлари уруғлари 75 фоизи нисбатан эртароқ, экилгандан 15 кун ўтгач униб чиқди. Қолган барча намуналар эса 16 кунда униб чиқди.

Тажрибада ўрганилган қовун коллекцияси уруғларининг дала унувчанлиги аниқлаш шуни кўрсатдики, Тўқ сариқ Хандалак нави энг паст даражада, яъни 22 фоиз дала унувчанликка эга бўлди. Қолган барча навларда унувчанлик 72-96 фоиз оралиғида ўзгарди.

1-жадвал

Қовун коллекцияси нав намуналари ўсимликларининг ўсиш ва





ривожланиш хусусиятлари (2018-2023 йй.)

/р	Нав намуналари	К аталог рақами	Ур уғлар-ни униб чиқиши, кун	Уру ғлар-нинг дала унувчан- лиги, %	Гулларин и очилиши, кун		Мева етилиш даври, кун
					о талиқ	о налиқ	
Эртапишар навлар							
	Тўқ сарик Хандалак	3	16	22	30	32	65
	Хандалак	4	15	84	34	42	74
	Тарнак	9	16	83	35	41	89
	Хон қизи	10	16	90	35	41	95
	Линя. Офтоб	17	16	95	35	43	95
	Қўлёзи Гурвак	18	16	90	35	44	97
	Шерози қовун	21	16	77	34	41	87
	Хитойи	22	16	83	33	40	90
	Жида япроқ	24	16	80	36	42	94
0	Оқ сут	28	16	77	32	41	90
1	Ширин печак	29	16	79	34	42	94
2	Жийда гули	32	16	89	35	45	96
Ўртапишар навлар							
3	Бижир	33	16	91	35	48	114
4	Қиличбой бешак	53A	16	96	36	45	113
5	Бешак V форма қўтир бош	55	16	92	36	46	113
6	Кара кош	55A	16	88	36	46	115
7	Линя. Ифтихор	56	16	84	35	46	117
8	Ола хамма бешак	5VI a	16	84	37	50	134
9	Бешак V форма	57	16	85	36	46	120
0	Кизил қўтир бош	57A	16	87	36	46	117
1	Бешак V форма	58	16	92	36	46	118
2	Қари киз	10IVa	16	72	44	54	141
3	Бешак ёз бешак	61	16	95	35	46	100



/р	Нав намуналари	К аталог рақами	Ур уғлар-ни униб чиқиши, кун	Уру ғлар-нинг дала унувчан- лиги, %	Гулларин и очилиши, кун		Мева етилиш даври, кун
					о талиқ	о налиқ	
Эртапишар навлар							
4	Заргулоби		16	94	35	45	99
Кечпишар навлар							
5	Бешак IX форма шарсимон	73	16	95	3	45	108
6	Олмурт гулоби II форма	85	16	82	44	54	129
7	Наврўзбой	86	16	81	34	44	97
8	Олмурт гулоби	87	16	83	44	54	130
9	Кўк гулоби	97	16	84	38	50	124
0	Туя қовун	98	16	80	35	45	119
1	Ола хамма шарсимон	10VI а	16	88	35	45	124
2	Линя. Гандимён	71	16	95	35	41	100
3	Шойи қовун	108	16	89	33	42	113
4	Туя қовун II форма	109	16	88	34	45	121
5	Кўк Гулоби	100	16	78	35	45	126
6	Тўёна		16	81	34	45	104

Энг юқори дала унувчанлик (90-96 %) Оқ каллапош, Оқ босволди, Хон қизи, Оқ гурвак, Линя. Офтоб, Қўлёзи Гурвак, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма, Эрмак каун Хоразмск, Бижир-33, Бижир-33А, Ёз бешак I форма, Кара кош бешак, Бешак II форма-39, Бешак II форма -39А, Бешак II форма -40, Бешак II форма -41, Бешак IV форма, Бешак IV форма, Ёз бешак IVa форма, Бешак IVa форма, Бешак, Қиличбой бешак, Бешак қора қош, Бешак V форма қўтир бош, Заргулоби, Бешак V форма, Бешак V форма узун, Бешак VI а форма, Бешак ёз бешак, Кўк ёз бешак -65, Бешак VII в форма-67, Бешак VII в форма-67А, Кўк бешак VII в форма -68, Кўк бешак VII в форма -69 Кўк Линя. Гандимён -70, Линя. Гандимён, Бешак IX форма шарсимон-72, Бешак IX форма шарсимон-73, Бешак IX форма шарсимон-74, Шойи қовун -



107, Шойи қовун -107А ва Шойи қовун -107Б навларида кузатилди.

Нисбатан кам дала унувчанлик (75 % дан кам бўлган) Хандалак, Барги, Бешак форма, Қари киз, Қўтир қовунбешак Ола Хамма, Оқ қош бешак, Говрок бешак ва Қари қиз (мазали) навларида кузатилди. Қолган навларда эса унувчанлик 76-89 фоиз оралиғида ўзгарди.


Тажрибада қовун нав намуналарининг нихоллари пайдо бўлгандан сўнг 1-3 чинбаргларнинг пайдо бўлишини кузатиш шуни кўрсатдики, бунда уруғлар униб чиққандан 5-6 кун ўтиб, навлараро биринчи чинбаргларнинг пайдо бўлиши ва 9-10 кун ўтгач эса иккинчи чинбарглар пайдо бўлиши кузатилди. Коллекцион нав намуналар ўсимликларида чинбарглар пайдо бўлиши бўйича кескин фарқланиш кузатилмади.

Фенологик кузатувларда Хоразм воҳасида қовун навларининг оталик ва оналик гулларини 10 ва 75 фоизга очилиш муддати ҳам аниқланди. Бунда оталик гулларни 75 фоизга гуллаши навлараро 30-45 кунни ташкил этиб, нисбатан эрта 30-33 кундан сўнг Замча гурвак, Замча, Тўқ сариқ Хандалак, Барги, Хитойи, Оқ сут, Шойи қовун – 107Б ва Шойи қовун – 108 навларида оталик гуллари очилганлиги кузатилди.

Тажрибада нисбатан кеч (40 кундан ортиқ) гуллаш Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Кўк Гулоби, Бешак форма, Бешак, Гурваксимон бешак, Қора гулоби I форма-80, Қора гулоби I форма-81, Қора гулоби I форма-82, Олмурт гулоби II форма, Олмурт гулоби, Олмурт гулоби (типич), Қора гулоби II форма, Кўк Гулоби 1402, Кечпишар Қари киз, Қари киз (мазали) ва Қари киз навларида кузатилди. Қолган намуналарда эса ушбу физиологик жараён давомийлиги 34-40 кунни ташкил этди.

Оналик гулларни 75 фоизга пайдо бўлишида нисбатан эртароқ гуллаган намуналар – Замча гурвак, Замча ва Тўқ сариқ Хандалак навларида уруғлари униб чиққандан 32-40 кун ўтгач оналик гуллар пайдо бўлди.

Нисбатан кеч гуллаган Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Олахака, Кўк Гулоби, Бешак форма, Бешак, Гурваксимон бешак, Қора гулоби I форма-80, Қора гулоби I форма -81, Қора гулоби I форма -82, Қора гулоби III форма, Олмурт гулоби II форма, Олмурт гулоби, Олмурт гулоби (типич), Қора гулоби II форма, Кўк Гулоби 1402, Қора гулоби, Қора гулоби (серҳосил), Кўк гулоби (серҳосил), Кўк гулоби, Кечпишар Қари киз, Қари киз (мазали) ва Қари киз навлари 50-57 кунда оналик гуллар гуллади. Қолган намуналар ўсимликларида эса оналик гулларининг гуллаши 41-49 кунни ташкил этган.






Тажрибада Хоразм воҳасида қовун коллекцияси ичидан эртапишар нав намуналарни ажратиш ва меваларнинг пишиб етилиш даврини аниқлаш олиб борилди. Бунда қовун уруғларини униб чиққандан то меваларини пишиб етилгунча ўтган муддат 100 кунгача бўлган намуналарни эртапишар сифатида ажратилди.

Ушбу 125 та та навлардан 65-99 кунда мевалари пишиб етилган навлар сифатида Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Заргулоби, Наврўзбой, Олмурт гулоби (кичик), Нон гўшт (тиғизли мағз), Оқ босволди, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Олахака, Олахака (қизил мағз), Линя. Офтоб, Қўлөзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Барги (чизиқсиз), Шерози қовун (қизил мағиз), Хитойи (қизил мағиз), Хтои II форма (қизил мағз), Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма (мазали), Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут, Ширин печак (қизил м), Ширин пичек (кўк мағз), Эртапишар ёз бешак ва Жида гули навлари ажралиб чиқди. Ушбу қовун навларининг нисбатан эртапишар эканлиги маълум бўлди.

Тажрибада нисбатан кечпишар намуналар сифатида (120 кундан ортиқ) Ола хамма беша к, Кўк Гулоби, Қора гулоби I форма -80, Қора гулоби I форма -81, Қора гулоби I форма-82, Қора гулоби II форма, Қора гулоби III форма яйцевод, Олмурт гулоби II форма, Олмурт гулоби, Олмурт гулоби (типич), Қора гулоби II форма, Кўк Гулоби 1402, Қора гулоби, Кўк гулоби (серҳосил), Кўк гулоби, Кўк Гулоби, Қари киз (сершоҳли), Кечпишар Қари киз, Қари киз (мазали), Қари киз, Қўтир қовунбешак Ола Хамма, Ола хамма шарсимон, Туя қовун II форма ва Қўтир қовун II форма навлари ажратилди. Қолган намуналарда эса уруғлар униб чиққандан 100-120 кун ўтгач меваларни пишиб етилиш кузатилган.

Хулоса: Хоразм воҳасида ўрганилган 125 та нав намуналаридан ўсимликни оналик гулларини эртароқ гуллаши (32-40 кун) ҳамда эртапишарлиги (65-99 кун) билан Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Заргулоби, Наврўзбой, Олмурт гулоби (кичик), Нон гўшт (тиғизли мағз), Оқ босволди, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Олахака, Олахака (қизил мағз), Нон гўшт Хоразм, Қўлөзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Барги (чизиқсиз), Шерози қовун (қизил мағиз), Хитойи (қизил мағиз), Хтои II форма (қизил мағз), Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма (мазали), Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут,





Ширин печак (қизил м), Ширин пичек (кўк мағз), Эртапишар ёз бешак ва
Жида гули навлари ажралиб чиқди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мавланова Р., Рустамов А., Хакимов Р., Хакимов А., Турдиева М., Падулоси С. “Ўзбекистан қовунлари” 2005 й.
2. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. - Ташкент, 1977. Изд. 5.
3. Муральо И.Л. Роль АТСИРО – Всемирного центра по овощеводству в сохранении биологических разновидностей. Т. 2005. Р.-45
4. Пивоварова Н.И. Научно-техническое сотрудничество ВНИИССОК с зарубежными странами на современном этапе.//Современное состояние и перспективы развития селекции и семеноводства овощных культур, материалы докладов, сообщений, т.2. М., 2005. С.-10-25
5. Робертс Е.Н. Жизнеспособность семян, М., 1978. 416 с.

